



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР: ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МИСОЛИДА

Р.Ф.Хашимов

К.Б.Джалилов

Фуқаролик ишлари бўйича

Чирчиқ туманлараро суди судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22302536>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-avgust 2026 yil
Ma'qullandi: 15-avgust 2026 yil
Nashr qilindi: 31-avgust 2026 yil

KEY WORDS

инсон ҳуқуқлари, халқаро ва
миллий стандартлар,
механизм, ислохотлар,
конституция, қонунлар,
декларация, БМТ, таълим,
педагог, билим ва кўникмалар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар: таълим тизими мисолида атрофлича таҳлил қилинган. Энг муҳими мақолада, республикада таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар аввало халқаро стандартлар монанд эканлиги шунингдек конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳар ким билим олиш ҳуқуқи рўёбга чиқаришда давлат сиёсати каби масалалар ўрганилган.

Республикада мутақилликка эришганидан кейин, амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотлар инсон қадр-қимматини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилгандир. Ўз навбатида, ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмининг кенгайиши, уларни амалга ошириш ва самарали ҳимоя қилиш кафолатларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ ҳолда кечмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайди ҳамда давлатнинг таълим соҳасидаги асосий вазифаларини белгилайди. «Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга» деган қоида таълим инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири эканини англатади. Яъни, ҳар бир шахс ўз билим ва қобилиятини ривожлантириш, касб-ҳунар эгаллаш ва жамият ҳаётида муносиб ўрин топиш учун таълим олиш ҳуқуқига эга.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 08 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2026.

ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича масалалар ўрин олган.²

“Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг” 2-моддасида ҳар бир инсон, бирор-бир айирмачиликсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди, ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкӣ аҳволи, қайси табақага мансублигига ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар барча ҳуқуқ ва эркинликлар сохиби бўлиши керак”, деб баён этилган.³

Давлатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда алоҳида аҳамиятга эгаллиги таъкидлаб ўтилган.⁴

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилиши бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги хабардорлигини ошириш, давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш, замонавий технологиялар, бадий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимининг самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби ишларни айтиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда муҳимдир.

Шу сабаб, инсон ҳуқуқлари бўйича таълимга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас, - бу инсон ҳуқуқлари бўйича билим, кўникма ва дунё қарашни шакллантириш орқали инсон ҳуқуқлари умумий маданиятни яратишга йўналтирилган тизим ва мақсадли ҳаракатларда намоён бўлади.

Инсон ҳуқуқларини фақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича билим ва кўникмаларни тарқатиш орқали амалга ошириш мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим барча инсонларни ўз ҳуқуқлари ва бошқаларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ундайдиган қадриятлар, эътиқод ва муносабатларни илгари суради. У ҳар бир шахснинг ҳар қандай жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳаётда амалда бўлишидаги умумий масъулиятини ҳақидаги тушунчани ривожлантиради.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 08 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

³ “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.

⁴ <http://nhrc.uz/uz/news/m9898>

Мамлакатимизда бугунги кунга келиб, инсон ҳуқуқларига амал қилиш, уларни ҳимоя қилиш, халқаро ҳуқуқ нормалари даражасига мос бўлишини таъминловчи ҳуқуқий асослар ва ташкилий тизимларни шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича етарли билим ва кўникмаларга, яъни юксак даражада инсон ҳуқуқлари маданиятига эга бўлган баркамол авлодни шакллантириш масаласи устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганини жамоатчиликка тушунтириб ўтилган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу борадаги қонунчиликнинг негизини, авваламбор, Конституция ташкил этади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқ нормалари мустаҳкамлаган. Буларга, тан олиш ва ҳимоя қилиш; халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги; табиий ҳуқуқ; суд ҳимояси билан таъминланиши; инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари устунлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилган. Бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатлар, хусусан, БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган 10 та асосий халқаро мажбуриятларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2004 йил 10 декабрда барча секторларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим дастурларини амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури эълон қилинганди. 2011 йил декабрида эса БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тайёргарлик тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди.

Ҳозирги вақтгача ушбу дастурнинг қуйидаги учта босқичи амалга оширилди:

биринчи босқич: 2005-2009 йиллар – мактабларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим жараёнларини қамради;

иккинчи босқич: 2010-2014 йиллар – олий таълим тизими, шунингдек ўқитувчи-мураббийлар ва давлат хизматчилари учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга бағишланди;

учинчи босқич: 2015-2019 йиллар – оммавий ахборот воситалари вакиллариغا инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим берилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази матбуот хизмати маълумотига кўра, 2020-2024 йилларда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда. Янги босқич инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Олий Мажлис томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тайёргарлик тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар дастури қабул қилинган. Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий

стратегияси тасдиқланди. Миллий стратегия ижроси доирасида олий ўқув юртлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этиш вазифаси белгилаб берилган.⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим жамиятда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқларидан ташқари ўзгаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги қадриятларни эъзозлаш каби муносабатларни ривожлантиришга ҳамда шахснинг ҳар қандай жамиятда инсон ҳуқуқларининг амалда бўлишидаги умумий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида кўп мақсадли ва изчил таълим тизими шакллантирилган. 1997 йилдан буён барча таълим муассасаларида, шу жумладан, олий ўқув юртларида “Инсон ҳуқуқлари” махсус курси ўқитилади. Шунингдек, ўрта таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари бўйича таълим қуйидаги уч йўналишда амалга оширилмоқда:

Биринчи йўналиш. Инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқитиш доирасида ўрганилади. Бунда асосий эътибор фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи миллий институтлари тизимини ўрганишга қаратилади.

Иккинчи йўналиш. Инсон ҳуқуқлари ўрта таълим муассасаларининг юқори синф ўқувчиларига “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ўқув фанини ўқитиш жараёнида ўргатилади. Бунда асосан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилади.

Учинчи йўналиш. Ушбу масалалар “Инсон ҳуқуқлари” махсус ўқув курси доирасида ўрганилади ҳамда бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоларининг турли жиҳатларига эътибор қаратилади.

Инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга йўналтирилган туб ислохотларнинг асосий мақсадидир.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ташкил этилган инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга ошириладиган таълим – тарбия тизими демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза этишда, инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини мониторинг қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликларни камайтириш, инсон ҳуқуқлари бузилишини олдини олишнинг самарали тизимини яратиш, жамиятда юксак даражадаги инсон ҳуқуқлари маданиятини қарор топтиришдан иборатдир. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим – тарбиянинг мукамал замонавий тизимини яратиш устувор вазифамиз бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сонли “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сонли “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.